

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Якубов Қ. Амир Темур сиймоси манғит хонлари нигоҳида: тақлид ва легитимация ... 3
Идиев А. “Баҳр ал-асрор” асаридаги этник маълумотларга оид мулоҳазалар 16

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Алимова Д. Марказий Осиёнинг XVI – XIX аср биринчи ярмидаги тарихи янги методологик ёндашувлар контекстида..... 27
Абдурасулов Х. Из истории внедрения в Туркестанском крае российских мер и клейменых весов 41
Хуснутдинов Ф. Обзор публикаций по биографии Саййида Махмуда Тарази – представителя туркестанской эмиграции *‘улама’*: достоинства и лакуны 58

ДИПЛОМАТИКА ТАРИХИДАН

Остонов Ж. Афғонистон амири Омонуллахоннинг ташқи сиёсати 82

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

Каримова С. Ибн Сино диагностикаси 95
Азизов С. “Девон луғот ат-турк” ва “Қутадғу билиг” асарларида фалакиётга оид маълумотлар 107

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Алимова Л. Трансформация гендерного вопроса в Южной Корее в XX веке 117
Акрамова Ш. Реформа науки и образования в КНР 130

ПЕРСОНАЛИ

Академик Дилорам Юсупова таваллудининг 80 йиллигига қутлов

Асқаров А. Дилором Юсупова – таниқли шарқшунос олима..... 140

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 3 декабрдаги 10-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

С. Азизов

“Девон луғот ат-турк” ва “Қутадғу билиг” асарларида фалакиётга оид маълумотлар

X асрнинг иккинчи ярми – XIII асрнинг бошларида Турфондан Бухоро, Сирдарёнинг қуйи оқимидан Термизга қадар бўлган ҳудудда Қорахонлилар салтанати ҳукмронлик қилди. Давлат майдони турли сиёсий воқеалар таъсирида гоҳ кенгайиб, гоҳида торайиб турарди. Салтанат қудрати XI асрда энг юксак даражасига кўтарилганди. Бу даврда ўлкада Қуръон, ҳадис, фиқҳ илмлари қаторида аниқ ва табиий фанлар ҳам тараққий этди. Ушбу тадқиқотда мазкур асрларда ёзилган “Қутадғу билиг” ва “Девон луғот ат-турк” асарларида келтирилган туркий халқларнинг олам тузилиши, осмон жисмлари, тақвимлар ҳақидаги тушунчалари, уларни ифодаловчи атамаларга тўхталдик.

Қорахонлилар даврида ижод қилган Шамсиддин Маҳмуд ибн Ҳусайн Маҳмуд Кошғарий туғилган вақти ва жойи ҳозиргача илмий асослар билан ишончли тарзда аниқланмаган. Баъзи тадқиқотчилар у 1029–1038 саналар оралиғида Кошғарда таваллуд топгани ва 1126 йил шу ерда вафот этгани ҳақида ёзади [6]. Кўпроқ, унинг XI аср бошларида таваллуд топгани ҳақиқатга яқинроқдир. Маҳмуд дастлаб, Кошғар кейинчалик Самарқанд, Бухоро, Марв, Нишопур, Бағдод мадрасаларида билим олиб, йирик олим бўлиб етишади. У туркий, араб ва форс тилларининг етук билимдони эди. Илмий адабиётларда Маҳмуд Кошғарий иккита асар ёзгани айтилади. Улардан биринчиси “Жавоҳир ан-наҳви фи луғат турк” (“Туркий тилларнинг синтаксис қоидалари”) китоби эди, аммо у ҳозиргача топилмаган. Иккинчиси “Девон луғот ат-турк” асаридир. У учта жилддан иборат, қўлёзма нусхаси Истанбулдаги Миллат Генел кутубхонасида сақланади [3:16].

Муаллиф “Девон луғот ат-турк” асари ҳижрий 664/1074 йили якунлангани ҳақида: “Нэк йили туркларнинг ўн икки йил номларининг биридир. Бу китоб ёзилган вақти Нэк йили эди”, деб маълумот беради [2:170]. Асар араб тилида ёзилган. Унда туркий тилшуносликка доир мукаммал маълумот тўпланган ва сўзлар шарҳланган. Асар 8 бўлим, муқаддима ва хулосадан ташкил топган. Унда 8000 атрофида туркий сўзнинг ёзилиши ва ўқилиши

кўрсатилган. Ундаги маълумотлар муаллифнинг ўз кўрганлари ва турли китоблардан ўқиб билганларига таяниб қилган таҳлилни ва хулосаларни ўз ичига олади. Асарда туркий халқлар тарихига оид қадимий афсона ва ривоятлар, мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, коинот яратилишига оид асотирлар, шеърий парчалар ўрин олган. "Девон луғот ат-турк" Марказий Осиё минтақасида яшаган қадимий халқлар ҳаёти, тили ҳақидаги қомусий илмий асардир.

1960–1963 йиларда Ўзбекистонда С.М. Муталлибов "Девон луғот ат-турк" асарини шарҳлар билан ўзбек тилига ўгиради ва нашр қилдиради. Ғ. Абдураҳмонов ва С.М. Муталлибов 1967 йили асар матнидаги сўзларнинг индексини тузиб, чоп эттиради [1].

"Девон луғот ат-турк" асарида фалакиётга тааллуқли атамалар маънолари сўзларга ёзилган изоҳлар таркибида келтирилади. Фалакиётга доир атамалар учун алоҳида бўлим ажратилмаган. Бу туркумга мансуб маълумотларни учта алоҳида бўлимга ажратиб таҳлил қилдик.

1. **Олам тузилиши** – Мангу дунё (мэнгу ажун), ҳаракатдаги олам (кок чиғрісі), осмон (joқару jэр), само (jашил jаш), Етти қават осмон (jэтті қат кок). Асардаги олам тузилиши концепцияси туркий халқлар тафаккур тараққиётининг маҳсулидир. Бу концепция мангу дунё (*мэнгу ажун),* ҳаракатдаги олам *(кок чіғрісі)*, осмон (*joқару jэр*), самодаги яшил ранг (*jашіл jаш)*, етти қават осмон (*jэтті қат кок)* каби сўзлар ва иборалар билан ифодаланган.

2. **Осмон жисмлари** – бу бўлимни ой, қуёш (қуjаш), сайёралар, юлдузлар, ёруғ юлдуз, юлдуз туркумлари, юлдузлар тўплами ҳақида маълумотлар ташкил этади [2: 47].

3. **Кабисасиз тақвимлар** – ўкак, мучал тақвими, саноқли тақвим, чилладан иборатдир. Вақт ўлчами ва бирликларини ифода қилувчи тақвимлар тузилиши одатда ҳамиша осмонда кечаётган жараёнлар билан боғлиқ бўлади. Тақвимлар тузилишига кўра, кабисали[1] ва кабисасиз бўлади. Асарда келтирилган "Ўкак", "Мучал", "Саноқли" ва "Чилла" атамалари кабисасиз тақвимлар сирасига киради.

[1] Кабиса сўзи араб тилида «қўшимча", "орттирма" маъноларини англатади. Фалакиёт илмида тропик йил 365.2422... кунни билиради. Бу ифодадаги айнан 0.2422... йилнинг 365 кунига қўшимча миқдорни билдиради.

Маҳмуд Қошғарий ушбу китобни тайёрлашда фольклор манбалардан кенг фойдаланган. Фольклор манбалар уни ижод қилган қавмларнинг олам, вақт ва одам ҳақида узоқ асрлар давомида шаклланган қарашларини бадиий ифодаларда ҳам акс эттиради. Бу уларнинг фалакиётга доир тушунчаларини англашимизга ҳам кўмак беради. Маҳмуд Кошғарий баҳор фаслининг бошланишидан дарак берувчи бир *ёруғ юлдуз* ҳақида халқ сатрларидан қуйидаги мисраларни келтиради:

Jaj барубан эркўзі
Ақті ақіи мундузі,
Туғді jаруғ jулдузі
Тінгла созўм кўкгўсўз [3: 121].

Мазмуни: *Баҳор тонги ёриди,*
Музлар эриб, сел сувлари каби қаттиқ оқа бошлади.
Ёруғ юлдуз ҳам нур сочиб чиқди,
Ажойиб сўзимни кулгисиз тингла.

Ҳозир бизга ушбу мисраларда куйланаётган “ёруғ юлдуз” осмондаги қайси юлдуз эканини билиш муҳимдир. Кузатувчи осмон гумбазининг шимолий ва жанубий яримида қарийб 6000 юлдузни кўра олади [1]. Маҳмуд Кошғарий айтаётган *ёруғ юлдуз* улардан биридир. Аммо мисраларда унинг аниқ номи келтирилмаган. Воқеа қишнинг кетиши ва баҳорнинг келишида содир бўлаётганини эътиборга олсак, бу ёруғ юлдуз албатта, ҳозиргача халқ орасида машҳур ўша *қантар* эканига шубҳа йўқ. Бугунги кунда ҳам кўкда қантар оғиши – баҳор жуда яқинлашиб қолганидан дарак беради. Маҳмуд Кошғарий сатрлари бугун ҳам ўзбек халқи турмушида табиат ҳодисалари, вақт ва фаслни ифодалашда қўлланади.

Юсуф Хос Ҳожиб Баласоғуний ҳозирги Еттисувнинг Кузўрда (Баласоғун) шаҳрида 1016–1018 йилларда таваллуд топгани тахмин қилинади. Вафоти санаси аниқланмаган. У ҳам Қорахонлилар салтанатининг сиёсий ва иқтисодий ривожланган даврларида яшаб,

[1] Улар 88 та юлдуз туркумига бирлаштирлган, 13 таси Қуёшнинг осмон сферасидаги йиллик ҳаракат йўли эклиптикада жойлашган. Бу 13 туркумнинг 12 таси Зодиак – Бурж юлдуз туркумлари номи билан аталади.

ижод қилганди. Шеърият ва илм-фаннинг яна бир қанча соҳаларидан хабардор олим киши эди. “Қутадғу билиг” (Саодатга йўлловчи билим) китобини 1069–1070 йилларда ёзиб тугатади. Асар 13290 шеърий мисрали 85 бобдан ташкил топган. Унинг Вена ва Қоҳирада сақланаётган ва Намангандан топилган [4: 9–11] қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган. Ушбу мақолада Наманган нусхаси асосида чоп қилинган китобга таяндик [4].

“Қутадғу билиг”да осмон ва юлдузларни ўрганиш илми ниҳоятда мураккаб соҳа экани ҳақида маълумот учрайди. Асарда юлдузшунос алгебра ва геометрия фани, осмон жисмлари ҳаракати, вақтни ифодалаш ҳамда тақвимлар тузиш учун кун, ой, йил ҳисобларини яхши билиши кераклиги зикр этилган. Муаллиф фалакиётга оид қадимги туркий тушунчаларни мусулмон Шарқининг мазкур соҳа анъаналарига қиёслаб берганини таъкидлайди. “Қутадғу билиг” матнидан давлатни идора қилиш усули, сиёсат, қонунлар, ахлоқ принциплари хусусидаги маълумотлар ўрин олган. У Қорахоний ҳукмдорлар учун панд-насиҳат ва давлат бошқаруви учун қўлланма сифатида ёзилган.

Асарнинг биринчи боби “Етти кавокиб ва ўн икки бурж” деб номланган ва фалакиёт мавзусига бағишланган. Икки нафар қаҳрамони – Кунтуғди (чиққан кун) – адолат [4: 7] ва Ойтўлди (тўлган Ой) – бахт ва давлат [4: 7] тимсоли сифатида кўрсатилиб, фалакиёт илмига алоқадор исмлар билан аталган. Фалакиёт оид маълумотлар асарнинг кейинги қисмларида ҳам бор. Муаллиф фалакиёт илми билан шуғулланувчи кишиларни – *юлдузчилар* [4: 654–655] ва бу соҳага доир маълумотларни *чархфалак, олам шакли, осмон жисмлари, етти кавокиб, буржлар, юлдузлар* каби сўзлар билан атайди.

Энди бундан бошқаси *юлдузчилар*дир,
Яхшироқ назар солиб кўрилса, бу жуда нозик йўлдир (4272).

Йил, ой, кун ҳисоби буларда бўлади,
Бу ҳисоб кераклидир, эй униб-ўсувчи (4273).

Сен (уни) билайин десанг, *ҳандаса*ни ўқи,
Бу туфайли *ҳисоб* эшиги очилади (4274).

*Зарбу қисмат*ни ўқи, *кусур*ни тугал бил,
*Тугал*га тугал имтиҳон, тадбир қўлла (4275).

Ё *тазъиф* бўлсин, ё *тасниф* бўлсин, ўзинг етарли бил,
Агар (буни) билиб олсанг, *адад жазри* қил (4276).

Яна *жамъу тафриқ, масоҳат*га ўт.
*Етти қават фалак*ни ётган хас каби билиб ол (4277).

Тағин истасанг, *жабру муқобил* ўқи,
Ҳамда *Уқлидис* эшигини тушуниб қоқ (яъни Уқлидиснинг математик назариясини чуқур ўрган)[1] (4278).

Юқоридаги шеърий парчадан аён бўладики, Юсуф Хос Ҳожиб юлдузчиликни ниҳоятда мураккаб касб деб билган ва юлдузчи бўлиш учун фалакиёт ҳисобларга имкон берадиган барча соҳаларни, жумладан, математикадаги кўпайтирув, қўшув амалларини, тақвимлар асосини ташкил этувчи кун, ой, йил ҳисобларини ва етти қават фалакнинг сирларини очиб берувчи фалакиёт илмини яхши биладиган мутахассис бўлиш керак, деб ҳисоблаган.

“Китобнинг бошланиши, етти кавокиб, ўн икки бурж” бобида “Етти кавокиб” ҳақида шундай ёзилган:

“Булардан энг устда *Секантир* юради,
Бир буржда икки йилу саккиз ой қолади” [4: 81].

Қадимги аждодлар осмонни 12 буржга тақсимлаган ва қуёш уларни 12 ойда бир марта оралаб ўтади. Юқоридаги шеърий мисраларда Секантир (Сатурн) осмон сферасини “икки йилу саккиз ой”да бир айланиши айтилмоқда.[2] 8 ойни шартли равишда 0,5 йил деб олсак, 2 йилу 8 ой = 2,5 йилга тўғри келади ва 2,5 йил х 12 бурж = 30.0 йилдир. Сатурн ҳаракат йўлининг тўлиқ бир айланиш даври ҳам қадимги астрономияда зижлар тузиш учун қўлланган. Клавдий

[1] Ҳандаса (геометрия), зарбу қисмат (кўпайтирув ва тақсим), кусур (каср), тазъиф (карра), тансиф (бўлув), адад жазри (илдизни топиш), жамъу тафриқ (қўшиш ва чегириш), масоҳат (сатҳни ўлчаш), жабру муқобил (алгебрани билиш) ва Уқлидис (Эвклиднинг математик назарияси).

[2] Замонавий ҳисоблар Юпитер даври 11.862 йиллигини, Сатурн даври эса 29,458 йиллигини қайд этмоқда.

Птолемей, Абдураҳмон Суфий ва Мирзо Улуғбек зижларини тузишда Сатурннинг 30 йиллик даврига асосланган [5: 15].

Ундан сўнг иккинчиси *Ўнгай* бўлади,
Бир буржда ўн икки ой қолади [4: 81].

Зодиак тушунчасига кўра, қуёш ҳар бир буржда бир ой бўлади. Ўнгай (Юпитер) бир буржда 12 ой бўлса, унинг тўлиқ ҳаракат йўли 12 йилга тенгдир. Бу қадимги туркий мучал йил ҳисобига мос келади.

"Учинчиси Кўруд[1] келади, у ғурур билан юради,
У қайси томонга боқса, яшнаб турган нарса қурийди" [4:81].

Юнон мифологиясига кўра, қизғимтир тусланадиган Марс (Кўруд) сайёраси уруш илоҳи билан қиёсланган. Юсуф Хос Ҳожиб мазкур сайёрани ёмонлик рамзи деб билади.

Тўртинчиси Яшиқ (Қуёш) бўлди, оламни ёритди",
У узоқдан қарши келиб боқса ёритади [4:83].

Бу шеърий парчанинг биринчи мисрасида "Яшиқ (Қуёш)" ёруғлик манбаи экани, иккинчи мисрада Қуёш илдамлама ҳаракат қилиши ва бунинг натижасида айнан унинг нури йўналган жой ёриши таъкидланмоқда. Аслида Қуёш эмас, балки Ер унинг атрофида айланма илдамлама ҳаракат қилади. Самодаги ёритқичларнинг кўринма ҳаракати, аслида Ернинг ўз ўқи ва Қуёш атрофидаги айланма ҳаракати натижасидир. Қуйидаги шеърий парчаларда ана шу ҳаракатларни кузатувчи назаридаги қиёсий ҳолатлар тасвирланган.

Шарқдан Муштарий туриб юқорилади,
Душман олов кўтарганидек олов ялтиради (6093).
Назар солиб кўрди: Шарқдан Қора қуш[2] чиқиб
Ёлиндек[3] бўлиб ердан кўтарила келди (5554).
Миррих (Марс юлдузи) тепадан оғибди (4784).

Ернинг ғарбдан шарққа айланма ҳаракати натижасида, ёритқичлар ва муштарий ҳам шарқдан, уфқ ортидан кўтарилиб чиқади. Кун ботиб, тун кирганда Миррих тик тепада кўринса, вақт ўтиши билан ғарб (уфқ) томонга пасая бошлайди. "Қутадғу билиг"да етти ёритқич Клавдий Птолемейнинг геоцентрик системаси бўйича

[1] Марс сайёраси.
[2] Қоракуш – Муштарий юлдузи
[3] Ёлин– олов.

тавсифланган. Уларнинг жойлашиши энг олис ёки юқори осмондаги Сатурн сайёрасидан пастки (қуйи), яъни яқиндаги Ойга қараб қуйидаги тартибда боради: Секантир (Сатурн), Ўнгай (Юпитер), Кўруд (Марс), Яшиқ (Қуёш), Савит (Венера), Орзу (Меркурий).

Ушбу кичик тадқиқотимизда Қорахонлилар салтанати даврида қадимги Турон ҳудудида барча фанлар қаторида туркий халқлар фалакиёт соҳасида ҳам мукаммал ва тизимли билимга эга бўлгани аниқланди. Маҳмуд Кошғарий ва Юсуф Хос Ҳожиб сингари юртимизнинг маърифий олами тарихини ёритишга ҳисса қўшган яна кўплаб муаллифлар бор. Уларнинг ижодий мероси ҳам илмий асосларда изчил ўрганилиши бугуннинг долзарб муаммоларидан экани янада яққолроқ кўзга ташланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. / Индекс-луғат. Ғ. Абдураҳмонов ва С. Муталлибовлар иштироки ва таҳрири остида. Тошкент, 1967.
2. Маҳмуд Кошғарий Девону луғотит турк. Уч томлик. / Таржимон ва нашрга таёрловчи филология фанлари номзоди С.М. Муталлибов. Т. III. Тошкент, 1963.
3. Маҳмуд Кошғарий Девону луғотит турк. Уч томлик. / Таржимон ва нашрга таёрловчи С.М. Муталлибов. Т. I. Тошкент, 1960.
4. Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг” (“Саодатга йўлловчи билим”) / Нашрга тайёрлочи филология фанлари кандидати Қаюм Каримов.Тошкент, 1972.
5. Улугбек Мухаммад Тарагай (1394–1449) «Зидж» Новые Гураганови астрономические таблицы. / Вступительная статья, первод, комментарии и укзателя А.А. Ахмедова. Ташкент, 1994.
6. Pritsak O. Mahmud Kasgari kimdir – Turkiyat macmuasi. Cilt X. Istambul, 1953.

С. Азизов

“Девон луғот ат-турк” ва “Қутадғу билиг” асарларида фалакиёт илмига оид маълумотлар

X асрнинг иккинчи ярми – XIII асрнинг бошларида Еттисув ва Қашқардан Бухоро, Сирдарёнинг қуйи оқимидан Термизга қадар бўлган ҳудудда Қорахонийлар салтанати ҳукмронлик қилди. Бу даврда ўлкада Қуръон, ҳадис, фиқҳ илмлари қаторида аниқ ва табиий фанлар ҳам тараққий этди. Мазкур мақолада ушбу илмий жараённинг ажралмас муҳим бир қисми бўлган Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон луғот ат-турк” ва Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб “Қутадғу билиг” асарларида фалакиётга доир маълумотларни тўплаб, таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Тадқиқот мобайнида ушбу асарларда туркий халқларнинг олам тузилиши, осмон жисмлари, кабисасиз тақвимлар ҳақидаги тушунчалари, уларни ифодаловчи атамаларга тўхталдик. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида ўрта асрларда Марказий Осиёда осмон ва юлдузларни ўрганиш илми ниҳоятда мураккаб соҳа экани ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Юлдузшунос алгебра ва геометрия фани, осмон жисмлари ҳаракати, вақтни ифодалаш ҳамда тақвимлар тузиш учун кун, ой, йил ҳисобларини яхши билиши кераклиги зикр этилган. Муаллиф фалакиётга оид қадимги туркий тушунчаларни мусулмон Шарқининг мазкур соҳа анъаналарига қиёслаб берганини таъкидланган. “Девон луғот ат-турк” асарида фалакиётга тааллуқли атамалар маънолари келтирилган. Тадқиқотимизда мазкур мавзуга тегишли маълумотлар тўпланиб, тасниф қилинди.

Калит сўзлар: *Қорахонийлар, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, астрономия, олам, осмон, сайёра, юлдуз, Сириус.*

С. Азизов

Сведения по астрономии в трудах “Диван лугат ат-турк” и “Кутадгу Билиг”

В данной статье описывается история Кораханидского государства со второй половины X века – начала XIII века, располагавшегося на западе Бухары и находился вниз по течение реки от Сырдарьи, на востоке до территории Еттисув и Кашгара. Отмечено, что в этот период точные и естественные науки были высоко развиты, что нашло отражение в гуманитарных источниках. В работе Махмуда Кошгари «Девону луготит Тюрк» астрономические данные встречаются в некоторых местах. Они даются в процессе толкования того или иного слова и фразы. В сочинении астрономические данные были собраны и проанализированы в группах по темам строения Вселенной, небесных тел, невисокосных календарей. В книге Юсуфа Хос Хожиба «Кутадгу билиг» отмечается, что в Средней Азии в средние века звездное дело являлось невероятно сложной профессией, и для того, чтобы стать звездочётом, необходимо быть специалистом, знающим все сферы, позволяющие астрономические вычисления, включая умножение в математике, действия сложения, вычисления дня, месяца, года, составлявшие основу астрономических расчетов. В ходе исследования были классифицированы по группам данные об астрономии и небесных телах. Древнетюркские астрономические концепции сравнивались с существующими астрономическими традициями на мусульманском Востоке.

Ключевые слова: *Караханиды, Махмуд Кошгари, Юсуф Хос-Хаджиб, астрономия, Небо, Планета, звезда, Сириус.*

S. Azizov

Astronomical information in the works “Divan lugat at-turk” and “Kutadgu Bilig”

This article describes the rule of the Korakhanid state, which ruled in the second half of the X century – at the beginning of the XIII century in the West of Bukhara, which was located down the river from the Syr Darya, in the east to the territory of Ettisuv and Kashgar. During this period, it was noted that the exact and natural sciences were highly developed, and this was reflected in the humanitarian sources. In the work of Mahmud Koshgari “Devon lugot at-Turk” astronomical data are found in some places. They are given in the process of interpreting a particular word or phrase. In this study, the astronomical data in the work were collected and analyzed in groups on the topics of the structure of the Universe, celestial bodies, and non-leap calendars. In the book of Yusuf Khos Khozhib “Kutadgu bilig” it is noted that in Central Asia in the Middle Ages, starry business was called an incredibly complex profession, and in order to become a stargazer, you need to be a specialist who knows all the areas that allow astronomical calculations, including multiplication in mathematics, the actions of addition, calculations of the day, month, year, which form the basis of astronomical calculations. In the course of the study, the data on astronomy and celestial bodies in this work were classified into groups. It is noted that the ancient Turkic astronomical concepts were compared with the existing astronomical traditions in the Muslim East.

Key words: *Karakhanids, Mahmud Koshgari, Yusuf Khos-Hajib, astronomy, Sky, Planet, star, Sirius.*